

АДАБИЁТ ДАРСЛАРИДА ШЕЪРИЙ АСАРЛАРНИ ЎҚИТИШ
МАСАЛАЛАРИ

TEACHING POETIC WORKS IN LITERATURE LESSONS

ОБУЧЕНИЕ ПОЭТИЧЕСКИМ ПРОИЗВЕДЕНИЯМ НА УРОКАХ
ЛИТЕРАТУРЫ

Аллаяр Дарменов

Ажсиниёз номидаги Нукус давлат

педагогика институти таянч-докторанти

allayardarmenov26@gmail.com

+99899 956 64 97

Аннотация: Мақолада умумтаълим мактабларда қорақалпоқ адабиёти дарсида шеърий асарларни ўқитиш ҳақида сўз юритилади. Бирнечта шеърий парчалар мисолга олинади. Илмий асослар билан ўз шахсий фикларини баён қилади.

Калит сўзлар: Шеърият, методика, мактаб, Ибройым Юсупов, лирика, педагог, дарслик.

Аннотация: В статье обсуждается преподавание поэтических произведений на уроках каракалпакской литературы в общеобразовательных школах. В качестве примера приводятся несколько поэтических отрывков. Он выражает свои личные мнения с научной обоснованностью.

Ключевые слова: Шеърият, методика, школа, Ибрагим Юсупов, лирика, педагог, учебник.

Annotation: The article discusses the teaching of poetic works in Karakalpak literature lessons in general education schools. Several poetic excerpts are cited as examples. They express their personal opinions with scientific basis.

Key words: Poetry, methodology, school, Ibrahim Yusupov, lyrics, teacher, textbook.

Бугунги ривожланган замонда технологик ютуқлардан унумли фойдаланиш ҳар бир педагогнинг бурчидир. Дарсликда қайсидир шоир ёки ёзувчининг ҳаёти ва ижоди ўрганилганда дарсинг 10-15 дақиқалик ҳажмидаги қисмини ўша ижодкор билан онлайн сухбатга бағишлаш мумкин. Албатта, юзма-юз учрашувларни ташкил этиш мумкин. Аммо юзма-юз учрашувни дарс жараёнида ўтказиш учун 45 дақиқалик дарсинг ўзи камлик қилиши мумкин. Ушбу 45 дақиқа ичида ҳам дарсликдаги мавзунини, ҳам ижодкорни яқиндан

таништира олиш учун педагог вақтни жуда тизимли тарзда тақсимлай олиши, катта педагогик маҳоратга эга бўлиши лозим. Шу боис, имкон қадар онлайн учрашувлардан унумли фойдаланиш маъқул. Масалан, "Google meet," "Zoom" платформалари орқали "TV" меҳмон усулидан фойдаланиб, дарсликдаги муаллифни ўқувчилар билан онлайн учраштириш мумкин. Агар муаллиф вафот этган бўлса, унинг яқин қариндоши, умр йўлдоши ёки фарзандлари, авлодлари суҳбатга жалб этилади. Улар билан ҳам учрашиш имкони бўлмаганда ўша муаллиф бўйича чуқур билимга эга олимни чақириш мумкин. И. Юсупов ижодини мактабларда ўқитганда унинг фарзандларини ҳам, олимларни ҳам суҳбатга чақириш мумкин. Масалан, 5-синф "Адабиёт" дарслигида берилган "Мен шаҳарда ўқиганда," "Она тилимга" шеърларини ўқиганда шоирнинг қизи Айжамал Юсупова билан онлайн учрашув ўтказиш мумкин. Ўқувчилар шоирнинг қизидан отасининг ижодий меҳнати, услублари ҳақида сўраши, отасининг ўз онаси ҳақида айтган ҳикояларидан сўзлаб беришини илтимос қилиши мумкин. И. Юсуповнинг онаси Хонбиби овсин онамизнинг И. Юсуповнинг шоир бўлиб етишишидаги тутган ўрни ҳақида ҳам савол берилиши мумкин. "Мен шаҳарда ўқиганда" шеъри ўқитувчи ёки меҳмон томонидан таъсирли ўқиб берилади. Шоирнинг қизи билан бундай учрашувнинг иложи бўлмаганда шоирнинг шогирдларини, у бўйича илмий иш қилган, қилаётган олимлар иштирокида дарсдаги билимларни тўлдириб, мустаҳкамлаш мумкин. Шоирнинг она табиятимиз, экология йўналишида ёзган шеърларини ҳам бир неча метод ва технологиялар ёрдамида таҳлилга тортиш мумкин.

Шоир XX асрнинг сўнгги чорагида юз бера бошлаган экологик инқирозни ўз кўзи билан кўрди. Мази "Орол, Орол" деб куйлашдан йироқ бўлди. 7-синф "Адабиёт" дарслигидаги "Оролга," "Саксовул" шеърларини шоирнинг шахсий тўпламларидаги "Кемалар қабристонидаги арвоҳ," "Орол элегиялари," "Анемия," "Марофат уйқуси" каби шеърлари билан қиёслаш мумкин. Ҳозирги мактаб ёшидаги авлод денгизнинг мавжланиб турганини ўз кўзи билан кўра олгани йўқ. Лекин шундай бадиий асарлар орқали ўша даврга қайтиш имконияти бор. Шоирнинг экологик мавзуларда ёзилган шеърларида ёш авлодни аввалги авлод қилган хатоларни қилмасликка чақиради. Шоирнинг "Оролга" шеърини ўқитишда "savol-javob," "суҳбат," "PSMU" каби метод ва технологиялардан фойдаланиш мумкин. Шунингдек, "муаммоли вазият" методи ҳам бунда ижобий самара беради. Аввало биз ўқувчиларга Орол денгизи ҳақида кенгроқ тушунча беришимиз, унинг бир вақтлар тўлиб-тошиб оқиб турганлиги, халқнинг "ризқ қозони" бўлганлигини тушунтириб ўтишимиз мақсадга мувофиқдир. "Бизда бир табиий офат ҳукм сурмоқда. Бу экологик офат. Орол денгизининг суви куриб боряпти. Жонли дарё деб аталган Амударёнинг суви ҳозир камайиб қолди.

Сирдарёда ҳам сув йўқ ҳисоби. Унинг оёғи ҳозирча Орол денгизига қуйилмайди.
Эрлар шўрланиб, шўрланиб боряпти."

Тәнирим берди сени бул адамзатқа,
Ырыс қазаны болып қайнап турсын деп...
Бенделерим шағлап, жетип муратқа,
Бул алтын жағыста дәўран сүрсин деп¹.

Дарсликда шу банддан сўнг "Шоир ризқ қозони деганда нима демоқчи?" деган савол қўйилган. Бу саволга муаммоли вазият методи орқали жавоб излаймиз.

"Муаммоли вазият" методи - таълим олувчиларда муаммоли вазиятнинг сабабини ҳамда уларнинг ечимларини топиш бўйича кўникма, ечим ва оқибатларини таҳлил қилиш, уларни топиш бўйича кўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилган. "Муаммоли вазият" методининг тузилиши куйидагича:

- Муаммоли вазиятнинг кўринишларини келтириш;
- Ўқувчиларни гуруҳларга ажратиш;
- Гуруҳларда муаммонинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш;
- Гуруҳларда муаммоли вазиятнинг оқибати ҳақида фикрларини жамлаш;
- Гуруҳларда муаммонинг ечимини ишлаб чиқиш².

Шеърнинг биринчи бандидан сўнг берилган саволга келсак, шоир метафорик усул билан "ризқ қозони" сўз бирикмасини ҳосил қилган. Яъни, Орол фақат қорақалпоқ ёки ўша ўз атрофидаги халқларга эмас, балки бутун инсониятга ризқ-барака бўлган. Ҳатто, иккинчи жаҳон уруши даврида партизан аскарларини балиқ консервалари билан таъминлаб турган. Йирик-йирик консерва заводлари аҳолини иш билан таъминлаб келган. Собиқ иттифоқ давридаги йирик сайёҳлик масканларидан бири бўлган Орол энди умуминсоний муаммога айланиб бормоқда.

Қадириче жетпедик, эзийзим Арал,
Гүрсинген ҳаўазың тур қулағымда.
«Үмитиң – жолдасың» деген де сөз бар,
Толқырсаң заманың келген шағында³.

Демак, синфда ўқувчилар гуруҳларга бўлингандан сўнг денгизнинг қуриш сабаблари аниқлаб олинади. Қўшиқ асосида ҳар бир гуруҳ Оролнинг қуриб кетишидан кейинги оқибатлар ҳақида ўз фикрларини билдиради. Масалан,

1. ¹ Нийетова Р, Мәмбетов И, Жақсимова Г. Әдебият. Улыўма орта билим бериў мектеплериниң 7-класы ушын сабақлық. Ташкент – 2022;

² Yusupova G., Hojanova Sh., Abishev G. Ulwma bilim beriw mekteplerinde innovatsiyalıq texnologiyalardan paydalanıw. Nókis. Qaraqalpaqstan. 2016. 16-b.

³ Нийетова Р, Мәмбетов И, Жақсимова Г. Әдебият. Улыўма орта билим бериў мектеплериниң 7-класы ушын сабақлық. Ташкент – 2022

турли касалликларнинг кўпайиши, аҳолининг бир қисми бу ҳудуддан кўчиб кетиши, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг камайиши каби сабабларни кўрсатиши мумкин. Ва охирида шоирнинг шеърда келтирган умидини оқлаш учун қандай ечим келтириш мумкинлигини гуруҳларда айтади. Масалан, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, аҳолининг тиббий билимини ошириш, жаҳон экологик лойиҳаларида аҳолининг фаоллигини ошириш ва ҳ.к.

Умумлаштириб айтганда, шоир шеърятини ўқитишда ўқувчилар салоҳиятидан келиб чиқиб, замонавий методикаларни қўллаш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Нийетова Р, Мәмбетов И, Жақсимова Г. Әдебият. Улыўма орта билим бериў мектеплериниң 7-класы ушын сабақлық. Ташкент – 2022
2. Yusupova G., Xojanova Sh., Abishev G. Uliwma bilim beriw mekteplerinde innovaciyalıq texnologiyalardan paydalanıw. Nókis. Qaraqalpaqstan. 2016. 16-b.
3. Пахратдинов Ә. Қарақалпақ әдебиятын оқытыў методикасы. Нукус: Билим, 2004.1-б.
4. Тўхлиев Б. Адабиёт ўқитиш методикаси. – Ташкент, 2010.